

ЁШЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО- ҲУҚУҚИЙ АРХИТЕКТониКАСИ: СТАНДАРТЛАР ТИЗИМИ, ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛЛАР

Xurramov Alisher Suyunovich

©O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi Universiteti mustaqil izlanuvchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18378899>

Аннотация. Мақолада XXI аср шароитида ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини халқаро ҳуқуқ ва замонавий криминологиянинг устувор йўналиши сифатида қайта талқин қилиш зарурати асосланади. Тадқиқотда профилактиканинг жазога асосланган реактив моделдан барвақт интервенция, реабилитация ва далилга асосланган бошқарув (evidence-based) логикасига ўтиш тенденцияси очиб берилади. Халқаро стандартлар тизими “норматив–институционал–технологик” уч устун кесимида таҳлил қилиниб, “қаттиқ ҳуқуқ” (БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси) ҳамда “юмшоқ ҳуқуқ” (Бейжинг, Риёд, Гавана, Токио қоидалари ва бошқалар)нинг ўзаро боғлиқ меъёрий таъсири тизимлаштирилади. Институционал даражада профилактиканинг кўп агентли (таълим–соғлиқни сақлаш–ижтимоий ҳимоя–ҳамжамият–ҳуқуқни муҳофаза қилиш) архитектураси ва болага мос процессуал кафолатлар мазмуни ёритилади. Рақамли трансформация шароитида сунъий интеллект, катта маълумотлар ва мониторинг воситалари профилактика имкониятларини кенгайтириши билан бирга, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, маълумотларни ҳимоя қилиш, алгоритмик камситиш, шаффофлик ва ҳисобдорлик каби юқори рискларни келтириб чиқариши кўрсатилади

Калит сўзлар: ёшлар ҳуқуқбузарликлари; профилактика; ювенал адлия; халқаро стандартлар; Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция; диверсия; реабилитация; кўп агентли ҳамкорлик; далилга асосланган сиёсат; сунъий интеллект; алгоритмик камситиш; рақамли ҳуқуқлар.

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВАЯ АРХИТЕКТОНИКА ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ: СИСТЕМА СТАНДАРТОВ, МЕХАНИЗМЫ ИМПЛЕМЕНТАЦИИ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ МОДЕЛИ

Аннотация. В статье обосновывается необходимость переосмысления профилактики молодежных правонарушений в условиях глобализации и цифровой трансформации как приоритетного направления государственной политики. Показано, что исключительно карательные подходы не всегда обеспечивают устойчивый эффект общего и специального предупреждения и в отдельных случаях усиливают риски стигматизации и повторной делинквентности. Международные стандарты рассматриваются в логике трех взаимосвязанных опор: нормативной, институциональной и технологической. Систематизируется взаимодействие «жесткого права» (Конвенция ООН о правах ребенка) и «мягкого права» (Пекинские, Эр-Риядские, Гаванские и Токийские правила), определяющих принципы «лишение свободы как крайняя мера», диверсию, реинтеграцию и гарантии дружественного ребенку правосудия. Отдельное внимание уделяется многоагентной архитектуре профилактики (образование, здравоохранение, социальная защита, сообщество, правоохранительные органы) и особенностям процессуальной защиты детей-жертв и свидетелей. В цифровой сфере анализируются возможности и риски применения ИИ и больших данных, включая защиту персональных данных, алгоритмическую дискриминацию, прозрачность и

подотчетность. Формулируется концептуальный подход к внедрению профилактических инноваций при соблюдении правовых гарантий и цифровой безопасности.

Ключевые слова: молодежная делинквентность; профилактика; ювенальная юстиция; международные стандарты; Конвенция о правах ребенка; диверсия; реабилитация; межведомственное взаимодействие; evidence-based policy; искусственный интеллект; большие данные; цифровые права.

INTERNATIONAL LEGAL ARCHITECTONICS OF YOUTH OFFENSE PREVENTION: STANDARDS SYSTEM, IMPLEMENTATION MECHANISMS, AND INSTITUTIONAL MODELS

Abstract. This article substantiates the need to reconceptualize youth offense prevention amid globalization and rapid digital transformation as a complex, multi-dimensional policy domain. It argues that purely punitive approaches do not consistently deliver general and specific deterrence and may, in some contexts, increase recidivism risks through stigma and “criminogenic contamination.” The study systematizes international norms through three interconnected pillars—normative, institutional, and technological. It examines the interplay between hard law (the UN Convention on the Rights of the Child) and soft law instruments (Beijing Rules, Riyadh Guidelines, Havana Rules, Tokyo Rules), emphasizing principles such as deprivation of liberty as a last resort, diversion, community-based reintegration, and child-sensitive procedural safeguards. Institutionally, the article frames prevention as a multi-agency architecture involving education, health, social protection, local communities, and law enforcement, including enhanced protection for child victims and witnesses. Technologically, it explores how AI, big data, and digital monitoring can enable early identification and targeted interventions, while also creating heightened risks related to privacy, personal data protection, algorithmic discrimination, transparency, and accountability. The article concludes by proposing a rights-based, “built-in safeguards” approach to integrating preventive innovations within Uzbekistan’s context.

Keywords: youth delinquency; prevention; juvenile justice; international standards; CRC; diversion; rehabilitation; multi-agency governance; evidence-based policy; artificial intelligence; algorithmic bias; digital rights.

Глобаллашув ва рақамли трансформация шиддат билан кечаётган XXI асрда ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш (профилактика) давлат сиёсатидаги энг мураккаб ва кўп қиррали йўналишлардан бирига айланмоқда. Амалиёт ва илмий мета-таҳлиллар шуни кўрсатадики, фақат жазолашга таянган пунитив ёндашувлар “умумий ва махсус тийиш” эффеқтини доим ҳам таъминламайди; аксинча, айрим ҳолларда институционал муҳитнинг ўзи стигматизация ва “криминоген контаминация” орқали қайта ҳуқуқбузарлик хавфини ошириши мумкин¹. Шу боис, замонавий халқаро ҳуқуқ ва криминология профилактикани жазодан кейинги реакция эмас, балки инсон ҳуқуқлари, ижтимоий адлия, реабилитация ва далилга асосланган бошқарув логикасида қурилган барвақт интервенция тизими сифатида қайта талқин қилмоқда².

¹ United Nations. United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice (“The Beijing Rules”): Resolution adopted by the General Assembly. — A/RES/40/33, 29 November 1985 // URL: <https://www.ohchr.org/Documents/Professional-Interest/beijingrules.pdf>

² United Nations. United Nations Guidelines for the Prevention of Juvenile Delinquency (“The Riyadh Guidelines”): Resolution adopted by the General Assembly. — A/RES/45/112, 14 December 1990 //

Мазкур параграф доирасида ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасининг халқаро стандартлари учта ўзаро боғлиқ устунда тизимли таҳлил қилинади. *Биринчиси, норматив асослар!* Мазкур асослар “қаттиқ ҳуқуқ” сифатида БМТнинг Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси боланинг энг устувор манфаатлари, кийноқ ва шафқатсиз муомаладан ҳимоя, ҳамда вояга етмаганларга нисбатан адлиянинг махсус кафолатларини белгилаб, профилактика ва ювенал адлиянинг ҳуқуқий “конституцияси” вазифасини ўтайди³. Конвенция нормаларини амалиётга айлантирувчи “юшсоқ ҳуқуқ” блоки эса ювенал адлия ва профилактиканинг минимал стандартларини шакллантиради.

Бунда: *Бейжинг қоидалари* (ювенал адлияни юретишнинг стандарт минимал қоидалари)⁴, *Риёд қўлланмалари* (ювенал делинквентлик профилактикаси бўйича йўриқномалар)⁵ ҳамда *Гавана қоидалари* (озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоя қилиш стандартлари)⁶ профилактик сиёсатни “*охирги чора — озодликдан маҳрум қилиш*” тамойили, диверсия, жамоа иштирокида реинтеграция ва болага мос процессуал кафолатлар билан боғлайди. Шу стандартлар мантикий давоми сифатида *Токио қоидалари* жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларида қамоққа муқобил механизмларни кенгайтиришни, назорат ва реабилитациянинг инсонпарвар моделларини илгари суради⁷.

Иккинчиси, институционал тузилмалар! Мазкур тузилмалар халқаро стандартлар профилактикани алоҳида идоранинг вазифаси эмас, балки таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маҳаллий ҳамжамият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иштирокидаги “қўп агентли” архитектура сифатида кўради. Бунда бола жабрланувчи ёки гувоҳ бўлган ҳолатларда ҳам адлия тизимида махсус ҳимоя ва эҳтиёткор процессуал режим талаб этилади⁸. *Учинчиси, технологик ёндашувлар!* Мазкур ёндашув рақамли муҳитда профилактика сунъий интеллект, катта маълумотлар ва рақамли мониторинг орқали барвақт аниқлаш ва мақсадли интервенция имкониятларини кенгайтириши мумкин, бироқ шу билан бирга шахсий ҳаёт дахлсизлиги, маълумотларни ҳимоя қилиш, алгоритмик камситиш, шаффофлик ва ҳисобдорлик каби юқори рискларни ҳам келтириб

https://www.unodc.org/pdf/criminal_justice/UN_Guidelines_for_the_Prevention_of_Juvenile_Delinquency_Riyadh_Guidelines.pdf

³ United Nations. United Nations Rules for the Protection of Juveniles Deprived of their Liberty (“The Havana Rules”): Resolution adopted by the General Assembly. — A/RES/45/113, 14 December 1990 // URL: <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/-united-nations-rules-protection-juveniles-deprived-their-liberty>

⁴ United Nations. United Nations Standard Minimum Rules for Non-custodial Measures (“The Tokyo Rules”): Resolution adopted by the General Assembly. — A/RES/45/110, 14 December 1990 // URL: <https://www.ohchr.org/Documents/ProfessionalInterest/tokyorules.pdf>

⁵ United Nations. Convention on the Rights of the Child: Resolution adopted by the General Assembly. — A/RES/44/25, 20 November 1989 // URL (UN PDF): https://www.un.org/en/development/desa/population/migration/generalassembly/docs/globalcompact/A_RES_44_25.pdf

⁶ Committee on the Rights of the Child. General comment No. 25 (2021) on children’s rights in relation to the digital environment. — CRC/C/GC/25, 2 March 2021 // URL (OHCHR саҳифаси): <https://www.ohchr.org/en/documents/general-comments-and-recommendations/general-comment-no-25-2021-childrens-rights-relation>

⁷ United Nations Economic and Social Council. Guidelines on Justice in Matters Involving Child Victims and Witnesses of Crime. — E/RES/2005/20, 22 July 2005 // URL (Refworld реқвизитли саҳифа): <https://www.refworld.org/legal/resolution/ecosoc/2005/en/22129>

⁸ Lipsey M. W., Cullen F. T. The Effectiveness of Correctional Rehabilitation: A Review of Systematic Reviews // *Annual Review of Law and Social Science*. — 2007. — Vol. 3. — P. 297–320 // URL: <https://www.annualreviews.org/doi/10.1146/annurev.lawsocsci.3.081806.112833>

чиқаради⁹. Шу нуқтаи назардан, болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро органларнинг рақамли муҳитга оид талқинлари¹⁰ ва болага йўналтирилган АИ талаблари¹¹ профилактик инновацияларни ҳуқуқий кафолатлар билан “бирга қуриш”ни талаб қилади. Шунингдек, кенгрок даражада эса глобал АИ этикаси ва ишончли АИ тамойиллари¹² профилактиканинг рақамли компонентларини ҳуқуқий-ахлоқий меъёрлар билан уйғунлаштириш учун норматив йўналиш сифатида хизмат қилади. Натижада, ушбу учлик (норматив–институционал–технологик) интеграцияси Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини такомиллаштиришда ҳуқуқий кафолатлар, самарадорлик ва рақамли хавфсизлик ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган концептуал моделни шакллантиришга методологик пойдевор бўлиб хизмат қилади¹³.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасининг халқаро норматив асослари бир маромда “музлаб қолган” қоидалар йиғиндиси эмас, балки ижтимоий ривожланиш, криминологик билимлар ва инсон ҳуқуқлари концепциясининг кенгайиши таъсирида *доимий равишда янгилашиб борувчи* ҳуқуқий тизимдир десак ҳеч муболаға бўлмайди. Хусусан, XX асрнинг илк ярмида болага нисбатан “*патерналистик*” (*child-saving*) ёндашувлар устувор бўлиб, бола кўпроқ назорат ва тарбиявий таъсир объекти сифатида талқин қилинган бўлса, кейинги босқичда халқаро ҳуқуқда боланинг *ҳуқуқий субъектлиги*, кадр-қиммати ва унинг манфаатлари устуворлиги тамойили институционал шакл касб этди¹⁴. Мазкур эволюция айниқса БМТ ҳужжатлари орқали профилактика сиёсатини фақат жазога таянган реактив моделдан — *барвақт интервенция*, реабилитация ва “*далилларга асосланган*” (*evidence-based*) бошқарув логикасига ўтказишга хизмат қилди¹⁵.

Бундан ташқари, 1990 йилда қабул қилинган “*Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича БМТ йўриқномалари*” (“Ар-Риёд” йўриқномалари) профилактика соҳасидаги энг муҳим концептуал ҳужжатлардан бири ҳисобланади¹⁶. Унда профилактика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ваколоти билан чекланмасдан, *кенг ижтимоий жараён* сифатида белгиланади. Бунда яъни, жинойатчиликка олиб келувчи омиллар (ижтимоий етишмовчилик, таълимдаги узилиш,

⁹ Pappas L. N., Dent A. L., Gravel J. The 40-year debate: a meta-review on what works for juvenile offenders // *Journal of Experimental Criminology*. — 2021 // URL: <https://link.springer.com/article/10.1007/s11292-021-09472-z>

¹⁰ UNICEF Innocenti. *Guidance on AI and Children 3.0*. — Florence: UNICEF Office of Global Insight and Policy (Innocenti), 2025 // URL (PDF): <https://www.unicef.org/innocenti/-media/11991/file/UNICEF-Innocenti-Guidance-on-AI-and-Children-3-2025.pdf>

¹¹ UNESCO. *Recommendation on the Ethics of Artificial Intelligence*. — Paris: UNESCO, 2021 // URL (UNESDOC record): <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000380455>

¹² OECD. *Recommendation of the Council on Artificial Intelligence*: OECD/LEGAL/0449 (URL (OECD legal instruments): <https://legalinstruments.oecd.org/en/instruments/oecd-legal-0449>) // United Nations. *Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development*: GA Res. A/RES/70/1 (URL (UN PDF): https://www.un.org/en/development/desa/population/migration/generalassembly/docs/globalcompact/A_RES_70_1_E.pdf)

¹³ BMT, **SDG 16 — Peace, justice and strong institutions** (2030 Agenda). // <https://www.un.org>

¹⁴ United Nations. *Convention on the Rights of the Child*: GA Res. A/RES/44/25 (20.11.1989) // URL: <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/convention-rights-child>

¹⁵ National Research Council. *Reforming Juvenile Justice: A Developmental Approach*. — Washington, DC: The National Academies Press, 2013. — DOI: 10.17226/14685 // URL: <https://www.nationalacademies.org/read/14685> (PDF): https://cdpsdocs.state.co.us/ccjj/Resources/Ref/2013_ReformingJJ-DevApproach.pdf

¹⁶ United Nations. *United Nations Guidelines for the Prevention of Juvenile Delinquency (“The Riyadh Guidelines”)*: GA Res. A/RES/45/112 (14.12.1990) // URL (PDF): https://www.unodc.org/pdf/criminal_justice/UN_Guidelines_for_the_Prevention_of_Juvenile_Delinquency_Riyadh_Guidelines.pdf

оилавий назоратнинг заифлиги, салбий ахборот муҳити ва бошқалар)ни бартараф этишда оила, мактаб, маҳалла, ОАВ ва давлат институтлари ўзаро мувофиқ ҳаракат қилиши шартлиги таъкидланади. Мазкур йўриқномаларнинг марказий ғояси — “бола марказли йўналиш” (*child-centred orientation*) ва боланинг қарор қабул қилиш жараёналаридаги иштироки (*participation*)ни рағбатлантиришдир¹⁷. Бу ёндашув профилактик сиёсатда болани “назорат қилинадиган объект” сифатида эмас, балки ижтимоий масъулиятни қабул қиладиган фаол субъект ва ҳамкор сифатида кўришни талаб қилади. Шу асосда “Ар-Риёд” йўриқномалари профилактикани икки даражада концептуаллаштиради. Биринчиси — бирламчи профилактика, яъни аҳолининг барча қатламларига (айниқса болаларга) қаратилган универсал ижтимоий чоралар: сифатли таълим, соғлиқни сақлаш, бўш вақт инфратузилмаси, оилавий муҳитни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий хизматлар қамровини кенгайтириш. Иккинчиси — иккиламчи профилактика, яъни қийин ҳаётий вазиятда қолган, “ижтимоий хавф” гуруҳига кирувчи болаларга манзилли, аммо тамғалашдан холи ёрдам кўрсатиш механизмлари.

Бу ерда халқаро стандартнинг муҳим позицияси шундан иборатки, болани “девиант”, “ҳуқуқбузар”, “жиноятчиликка мойил” каби категориялар билан белгилаш ижтимоий стигматизацияни кучайтириб, кейинги хулқ-атвор траекториясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин; мазкур ҳолат криминологияда тамғалаш (*labeling*) концепцияси билан ҳам тушунтирилади^{18,4}. Демак, профилактика “назорат ва жазо” эмас, балки эрта қўллаб-қувватлаш ва реабилитацион ресурсларни сафарбар қилиш орқали самарага эришиши лозим. Шунингдек, йўриқномаларнинг яна бир муҳим йўналиши — декриминализация масаласидир. Хусусан, боланинг руҳий-жисмоний ривожланишига жиддий зарар етказмайдиган, кўпинча ўсмирлик инқироzi ёки ижтимоий етишмовчилик билан боғлиқ “*status offenses*” (масалан, мактабдан қочиш, уйдан кетиб қолиш ва ш.к.) бўйича жазога таянишдан кўра, психологик-педагогик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тавсия этилади. Бу ёндашув болани эрта босқичда жиноят-ҳуқуқий тизимга “киритиб юбориш” оқибатларини камайтиришга хизмат қилади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар “Ар-Риёд” йўриқномалари профилактиканинг кенг ижтимоий негизларини белгиласа, 1985 йилда қабул қилинган “Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш бўйича БМТнинг минимал стандарт қоидалари” (“Пекин қоидалари”) профилактик механизмларнинг жиноий адлия тизимидаги минимал стандартларини мустаҳкамлайди¹⁹. Ушбу ҳужжатда профилактика нуқтаи назаридан энг муҳим институционал восита — диверсия (*diversion*) институтидир: тегишли ҳолларда бола ишини расмий суд муҳокамасига олиб чиқмасдан, ваколатли органлар томонидан бола манфаатларини таъминлаган ҳолда ҳал қилиш имконияти кўзда тутилади²⁰. Диверсиянинг мақсади болани жиноий адлия тизимининг салбий ижтимоийлаштирувчи таъсиридан, шу жумладан қамоқхона муҳитига мослашув (*prisonization*) хавфидан асрашдир²¹. Бу нуқтаи назардан, огоҳлантириш, узр сўраш,

¹⁷ Ўша манбаа: URL (UN docs): <https://docs.un.org/en/A/RES/45/112>

¹⁸ Becker H. S. *Outsiders: Studies in the Sociology of Deviance*. — New York: The Free Press, 1963 // URL (окув-PDF): <https://faculty.washington.edu/matsueda/courses/517/Readings-/Howard%20Becker%201963.pdf>

¹⁹ United Nations. *United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice (“The Beijing Rules”)*: GA Res. A/RES/40/33 (29.11.1985) // URL (UN Digital Library): <https://digitallibrary.un.org/record/120958?ln=en>

²⁰ Ўша манбаа: URL (Refworld): <https://www.refworld.org/legal/resolution/unga/1985/-en/10533>

²¹ Clemmer D. *The Prison Community* (prisonization тушунчасининг классик манбаи) // URL (Internet Archive): <https://archive.org/details/prisoncommunity00clem>

реституция, жамоа ишлари каби чоралар болани “жазолаш”дан кўра “қайта ижтимоийлаштириш”га хизмат қилади. Шу билан бирга, “Пекин қоидалари” мутаносиблик (proportionality) тамойилини мустаҳкамлайди. Бунда болага нисбатан қўлланиладиган реакция фақат қилмиш оғирлиги билан эмас, балки боланинг шахсий ҳолати, ривожланиш даражаси, оилавий муҳит ва реабилитация эҳтиёжлари билан ҳам мутаносиб бўлиши шарт²². Бу тамойил “қилмишга яраша жазо”дан “боланинг эҳтиёжларига мос ҳуқуқий-ижтимоий реакция”га ўтишни англатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда профилактика стандартларининг энг илғор ва комплекс талқини бу БМТнинг 2019 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари бўйича кўмита томонидан қабул қилган №24 Умумий шарҳда ифодаланган²³. Ушбу хужжат болалар адлиясида барқарор натижага эришиш учун формал жиноий жараёнларга ҳаддан ташқари суяниш самара бермаслиги, аксинча, айрим ҳолларда кейинги ҳуқуқбузарлик хавфини пасайтирмаслиги мумкинлигини қайд этади ва *диверсия*, жамоадаги реабилитация ҳамда “*охирги чора*” сифатида қамоқ тамойилини устувор қўяди²⁴. Шунингдек, мазкур №24 Умумий шарҳда профилактиканинг институционал ядроси сифатида: а) *барвақт аралашув*; б) *мультидисциплинар ҳамкорлик (таълим-соғлиқни сақлаш-ижтимоий ҳимоя-ҳуқуқни муҳофаза қилиш интеграцияси)*; в) *тикланувчи адолат (restorative justice)* дастурларини кенгайтириш белгиланади. Бунда *restorative* ёндашув низони жабрланувчи-ҳуқуқбузар-ҳамжамият иштирокида ҳал қилиш, зарарни қоплаш ва ижтимоий алоқаларни тиклашга қаратилганлиги билан профилактиканинг гуманистик-амалий модели сифатида баҳоланади²⁵. Шу билан бирга, ўсмир ривожланишига доир замонавий нейропсихологик тадқиқотлар бола/ўсмирнинг импульс назорати, қарор қабул қилиш ва оқибатни олдиндан англаш қобилиятлари кечроқ етилиши мумкинлигини кўрсатади; бу эса болалар адлиясида жазо чораларини эмас, реабилитация ва тарбиявий интервенцияларни илмий жиҳатдан асосланган тарзда кучайтириш заруратини қўллаб-қувватлайди²⁶.

Бундан ташқари, Европа ҳуқуқий майдонида вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган “*болага дўстона адлия*” (child-friendly justice) концепцияси институционал стандарт сифатида қарор топган. Унинг мазмуни Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг “*Болага дўстона одил судлов бўйича Йўриқномалари*” (2010) орқали умумевропа миқёсида *ягона меъёрий-аксомустик мезон* тарзида мустаҳкамланиб, боланинг ҳуқуқий субъектлиги, жараённинг бола психологиясига мослиги, иштирокни осонлаштириш ва ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш каби талабларни одил судлов

²² United Nations. *United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice (“The Beijing Rules”)*: GA Res. A/RES/40/33 (29.11.1985).

²³ Committee on the Rights of the Child. *General comment No. 24 (2019) on children’s rights in the child justice system*: CRC/C/GC/24 (18.09.2019) // URL (UN PDF): https://digitallibrary.un.org/record/3899429/files/CRC_C_GC_24-EN.pdf

²⁴ *Ўша манбаа*: URL (OHCHR): <https://www.ohchr.org/en/documents/general-comments-and-recommendations/general-comment-no-24-2019-childrens-rights-child>

²⁵ *Latimer J., Dowden C., Muise D. The Effectiveness of Restorative Justice Practices: A Meta-Analysis* // URL (Justice Canada PDF): https://www.justice.gc.ca/eng/rp-pr/csj-sjc/jsp-sjp/rp01_1-dr01_1/rp01_1.pdf

²⁶ Steinberg L. *A Social Neuroscience Perspective on Adolescent Risk-Taking* // Developmental Review. — 2008 // URL (PMC): <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles-PMC2396566/> // National Research Council. *Reforming Juvenile Justice: A Developmental Approach* (ўсмир ривожланишига оид асосий хулосалар) // URL: <https://www.nationalacademies.org/read/14685>

амалиётига интеграция қилишни назарда тутати²⁷. Шу боис, мазкур концепция вояга етмаганлар ишларида адлиянинг инсонпарвар, муҳофазакор ва профилактик йўналишини таъминлайдиган норматив-методологик таянч вазифасини бажаради.

Шунингдек, ушбу йўриқномалар боланинг иштирок этиш ҳуқуқи, тушунарли ахборот олиш, ишлар тезкор қўрилиши, махфийлик ва стигматизацияни чеклаш каби процессуал кафолатларни жиной, маъмурий ва фуқаролик жараёнларига нисбатан ҳам универсал тарзда белгилаб, боланинг реабилитацияси ва қайта интеграцияси учун ҳуқуқий шароит яратади²⁸. Натижада, “Ар-Риёд” йўриқномалари (*ижтимоий профилактика*), “Пекин қоидалари” (*адлия тизимида диверсия ва мутаносиблик*), №24 Умумий шарҳ (*evidence-based парадигма ва реабилитация устуворлиги*) ҳамда Европа Кенгаши йўриқномалари (“*болага дўстона адлия*”) ёшлар ёхуд вояга етмаганлар профилактикасининг норматив-ҳуқуқий архитектоникасини²⁹ ягона мантиқда бирлаштиради. Бунда ёшлар ҳуқуқларининг устуворлиги → формал тизимга киришни минималлаштириш → мултидисциплинар профилактикаси → тикланувчи адолат ва реабилитация → махфийлик ва стигматизацияни бартараф этишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда норматив асослар қанчалик мукамал бўлмасин, уларни амалга оширувчи самарали институционал механизмларсиз қутилган натижага эришиб бўлмайди. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тарқоқ идоралар (полиция, мактаб, суд) ҳаракатидан кўра, интеграциялашган ва ихтисослашган тузилмалар доирасида юқори самара беради.

Шу ўринда, юқорида ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси бўйича ёритилган асосий халқаро стандартларнинг қиёсий жадвал кўринишидаги таҳлилига назар ташласак!

Халқаро Ҳужжат	Асосий Фокус (Мақсад)	Профилактика Механизмлари	Ўзбекистон учун Импликациялар
Ар-Риёд Йўриқнома лари (1990)	Бирламчи ижтимоий профилактика	“Бола марказли” ёндашув, декриминализация, статус ҳуқуқбузарликларини бекор қилиш.	Мактаб ва маҳалла даражасидаги ижтимоий дастурларни кучайтириш, “қийин тарбияланувчи” ёрлигидан воз кечиш.
Пекин Қоидалари (1985)	Одил судлов жараёни ва процедуралар	Диверсия (суддан ташқари ҳал қилиш), мутаносиблик, ихтисослашган полиция ва судлар.	Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар ваколатларини диверсия дастурларига йўналтириш.

²⁷ Council of Europe. *Guidelines of the Committee of Ministers of the Council of Europe on child-friendly justice* (Adopted 17.11.2010) // URL (COE PDF): https://www.coe.int/t/dg3/-children/pdf/CFJ_Guidelines_en.pdf

²⁸ Ўша манбаа: URL (rm.coe.int): <https://rm.coe.int/16804b2cf3>

²⁹ *Изоҳ: Архитектоника* — бу муайян соҳани тартибга солувчи меъёрлар ва институтларнинг ички тузилиши, яъни уларнинг иерархияси (қатламлари) ва ўзаро боғлиқлиги тизими.

Халқаро Ҳужжат	Асосий Фокус (Мақсад)	Профилактика Механизмлари	Ўзбекистон учун Импликациялар
CRC Умумий Шарҳи №24 (2019)	Илмий асосланган ҳуқуқий ҳимоя	Минимал ёшни (14+) ошириш, эрта аралашув, тикланувчи адолат.	Жиноят кодексида жавобгарлик ёшيني қайта кўриб чиқиш, нейропсихологик экспертизани жорий этиш.
ЕК Болага дўстона адлия (2010)	Жараёни мослаштириш	Ахборот бериш, ҳимоя, махсус муҳит, мультидисциплинар ёндашув.	Тергов ва суд жараёнларида адвокат ва психолог иштирокини мажбурий қилиш, махсус сўроқ хоналарини яратиш.

Юқорида таҳлил қилинган халқаро стандартларнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили шуни кўрсатадики, Янги Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасининг самарали моделини яратиш учун миллий қонунчиликка қуйидаги концептуал янгиликларни жорий этиш зарурати мавжуд:

Биринчидан, БМТнинг “Вояга етмаганлар учун адлия тизимини юритишга доир минимал стандарт қоидалари” (**“Пекин қоидалари”**, 11-қоида) ва БМТ Бола ҳуқуқлари қўмитасининг **№24-сонли Умумий шарҳида** илгари сурилган **“Диверсия” (Diversion)** институтини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурати мавжуд.

Криминологик тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, ёшларни (18-30 ёш) илк бор содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишлар учун расмий судлов ва жазолаш тизимига тўлиқ жалб қилиш уларда **“иккиламчи девиантлик”**ни шакллантириши ва жиноий субмаданият таъсирига тушиш хавфини кескин ошириши мумкин.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига янги **586¹-модда** сифатида **“Ёшларга нисбатан жиноят ишини шартли равишда тугатиш (диверсия)”** институтини киритиш таклиф этилади.

“586¹-модда. Ёшларга нисбатан жиноят ишини шартли равишда тугатиш (диверсия)

Суд, прокурор, шунингдек прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ёки терговчи, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи мартаба содир этган ўттиз ёшгача бўлган шахсга нисбатан, агар уни тузатиш жиноий жазо чораларини қўллагандан туриб ҳам мумкин деб топилса, жиноят ишини шартли равишда тугатиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақлидир.

Жиноят иши шартли равишда тугатилганда гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қуйидаги мажбуриятлар (диверсия чоралари) юклатилиши мумкин:

- *етказилган моддий ва маънавий зарарни бартараф этиш;*
- *махсус ижтимоий-ҳуқуқий реабилитация дастурларида ёки касбга тайёрлаш курсларида иштирок этиш;*
- *ҳақ тўланмайдиган жамоат ишларини бажариш.*

Агар шахс белгиланган синов муддати давомида ушбу мажбуриятларни бажарса, у жиноий жавобгарликдан озод қилинади ва унга нисбатан судланганлик ҳолати келиб чиқмайди. Мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда жиноят иши бўйича иш юритиш умумий асосларда янгиланади”.

Ушбу таклифнинг қонунчиликка киритилиши қуйидаги илмий ва амалий натижаларни беради:

1. *Ресоциализация самарадорлигини оширади:* Давлат ёш ҳуқуқбузарни жазолаш ўрнига, унга муайян мажбуриятлар (*зарарни қоплаш, тренинглар*) юклаш орқали уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш имконига эга бўлади.

2. *Стигматизациянинг олдини олади:* Ёш шахснинг таржимаи ҳолида "судланган" деган тамғанинг пайдо бўлишига йўл қўйилмайди, бу эса унинг келажақда ишга жойлашиши ва жамиятга қўшилишига тўсқинлик қилмайди.

3. *Суд-тергов тизимидаги юкломани камайтиради:* Ижтимоий хавфи юқори бўлмаган ишлар суд муҳокамасигача етиб бормасдан, муқобил чоралар орқали ҳал этилади, бу эса ресурсларни оғир жиноятларни очишга йўналтириш имконини беради.

Иккинчидан, “*Ар-Риёд йўриқномалари*”да белгиланган профилактиканинг “мультидисциплинар” табиатидан келиб чиқиб, миллий амалиётда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги тарқоқликни бартараф этиш талаб этилади. Ҳозирги кундаги идоравий ёндашув (*инспектор — фақат ҳуқуқий чора, ёшлар етакчиси — фақат тадбир, психолог — фақат мактаб доирасида*) ёш шахснинг жиноятга қўл уришига сабаб бўлаётган туб омилларни яхлит ҳолда бартараф этиш имконини бермаяпти.

Шу муносабат билан, профилактика тизимига “*Кейс-менежмент*” (ижтимоий ҳамроҳлик) технологиясини жорий этиш ҳамда унинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонунининг “*Асосий тушунчалар*” деб номланган **3-моддасини** қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади:

“Ёшлар ўртасидаги эрта профилактика — вояга етмаганлар ва ёшларнинг зайришжтимоий хулқ-атвори шаклланишига имкон берувчи омилларни эрта аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;”

Ушбу таклифнинг қонунчиликка киритилиши соҳадаги қуйидаги илмий ва амалий бўшлиқларни тўлдиради:

1. *Терминологик аниқлик ва объектни чегаралаш:* Амалдаги қонунчиликда “профилактика” тушунчаси умумий характерга эга бўлиб, ёшлар психологияси ва ижтимоий ҳолатига хос хусусиятларни тўлиқ қамраб олмайди. Янги тушунчанинг киритилиши профилактика объектини илмий жиҳатдан аниқлаштиради ва эътиборни жиноят содир этилгандан кейинги чораларга эмас, балки “*зайришжтимоий хулқ-атвор шаклланиши*” босқичига (эрта профилактикага) қаратади.

2. *Идоралараро ҳамкорликнинг янги модели (Мультидисциплинар ёндашув):* Таклиф этилаётган норма турли идоралар (ИИБ, Ёшлар агентлиги, таълим, соғлиқни сақлаш) фаолиятини ягона — “*эрта аниқлаш ва бартараф этиш*” мақсади атрофида бирлаштиради. Бу эса тарқоқ ҳаракатлардан яхлит “кейс-менежмент” тизимига ўтиш учун ҳуқуқий замин яратади.

3. *Ижтимоий детерминантларга таъсир этиш механизми:* “*Эрта профилактика*” тушунчасининг қонунда мустақамланиши ҳуқуқни қўллаш амалиётида фақат жазолаш

эмас, балки ёшлар жиноятчилигининг туб сабаблари (ишсизлик, оилавий зўравонлик, рухий инқироз) билан ишлаш мажбуриятини юклайди. Бу миллий қонунчиликни халқаро стандартларга, хусусан, БМТнинг вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тамойилларига мослаштиради.

Учинчидан, рақамли трансформация жараёнида профилактика тизимининг технологик модернизацияси инсон ҳуқуқлари, хусусан, ёшларнинг рақамли дахлсизлиги кафолатлари билан уйғун бўлиши шарт. Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, профилактика амалиётида сунъий интеллект ва “Big Data” технологияларининг қўлланилиши ёшларни асоссиз равишда “*потенциал жиноятчи*” сифатида рўйхатга олиш (profiling) ва стигматизация қилиш хавфини юзага келтирмоқда. Амалдаги қонунчиликда рақамли алгоритмларнинг эҳтимолий хатоликларидан ёшларни ҳимоя қилувчи ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмас.

Шу муносабат билан, рақамли маконда ёшларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “*Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида*”ги Қонунига янги “*Ёшларнинг рақамли муҳитдаги ҳуқуқлари кафолатлари*” деб номланган 20¹-модда киритиш таклиф этилади. Ушбу норма қуйидаги тахрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ:

“20¹-модда. Ёшларнинг рақамли муҳитдаги ҳуқуқлари кафолатлари

Давлат ёшларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиш жараёнидаги хавфсизлигини ҳамда шахсга доир маълумотларининг дахлсизлигини кафолатлайди.

Ёшларнинг хулқ-атворини сунъий интеллект ва автоматлаштирилган тизимлар орқали баҳолаш (профиллинг) натижалари, фақат инсон омили назорати остида қайта кўриб чиқилгандан сўнгина ҳуқуқий оқибатлар тугдириши мумкин.

Рақамли алгоритмлардан ёшларни камситиши, уларни асоссиз равишда хавф гуруҳига киритиши ёки стигматизация қилиш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди”.

Ушбу таклифнинг қонунчиликка киритилиши қуйидаги илмий ва амалий натижаларга эришишга хизмат қилади:

1. миллий қонунчиликда янги “*Рақамли ҳуқуқлар*” (*Digital Rights*) институтини шакллантиради ва ёшлар сиёсатини замонавий ахборот жамияти талабларига мослаштиради;

2. профилактика тизимида қарор қабул қилишда “*Human-in-the-loop*” (инсон назорати) тамойилини қонунан мустаҳкамлайди. Бу эса ёшларнинг тақдири фақат техник алгоритмларга боғлиқ бўлиб қолишининг олдини олади;

3. ёшларни ижтимоий тамғаланишдан (стигматизациядан) ҳимоя қилувчи “*ҳуқуқий қалқон*” вазифасини ўтайди ва уларнинг жамиятга бўлган ишончини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Тўртинчидан, БМТнинг “*Токио қоидалари*” ва замонавий пенитенциар сиёсат тенденцияларига асосланиб, ёшлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат “*ultima ratio*” (энг сўнги чора) сифатида қўлланилиши керак. Ёшларнинг рухий-ижтимоий ривожланиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда, жазо тизими “*тикланувчи адолат*” (restorative justice) моделига асосланиши лозим.

Шу мақсадда, ёшлар ўртасида маъмурий қамоқ жазосини қўллашни чеклаш ва унинг ўрнига муқобил реабилитация чораларини кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “*Маъмурий қамоқ*”

деб номланган **29-моддасига қўйидаги мазмундаги янги учинчи қисмни киритиш таклиф этилади:**

“Ёшларга нисбатан маъмурий қамоқ фақат истисно тариқасида, бошқа турдаги маъмурий жазо чораларини қўллаш имкони бўлмаган тақдирдагина тайинланади. Суд ҳуқуқбузарнинг шахсини инобатга олган ҳолда, маъмурий қамоқ ўрнига мажбурий психологик ёрдам кўрсатиш ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш чораларини қўллаш мумкин”.

Ушбу ўзгартириш муносабати билан модданинг учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисобланади.

Ушбу таклифнинг қонунчиликка киритилиши қўйидаги илмий ва амалий бўшлиқларни тўлдиради:

1. *Жазо тизимини гуманизациялаш ва “ultima ratio” тамойилини жорий этиш:* Ушбу норма жазолашнинг мақсади фақат азоб бериш ёки изоляция қилиш эмас, балки тарбиялаш эканлигини қонунан мустаҳкамлайди. Ёш шахсни қамоқ муҳитидан («тюремная субкультура» таъсиридан) сақлаб қолиш — унинг келгусида рецидив жиноятларга қўл уришининг олдини олишдаги энг самарали криминалогик воситадир.

2. *“Тикланувчи адолат” моделига ўтиш:* Таклиф этилаётган ўзгариш жазо тизимининг марказини «давлатга қарши ҳаракат учун жазолаш»дан «шахснинг руҳиятини ва хулқ-атворини тузатиш»га кўчиради. Психологик реабилитациянинг муқобил чора сифатида киритилиши — ҳуқуқбузарликнинг туб сабаби (агрессия, руҳий босим, онгсизлик) билан курашиш имконини беради.

3. *Ресоциализация ва жамиятга реинтеграция жараёнини тезлаштиради:* Маъмурий қамоқ ёшларни жамиятдан ажратиб қўйса, ижтимоий фойдали меҳнат ва психологик ёрдам уларни жамиятга қайтаради. Бу илмий жиҳатдан асосланган ёндашув бўлиб, давлат бюджетига қамоқхона харажатларини камайтириш ва ёшларнинг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Бешинчидан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган *“Риёд йўриқномалари”нинг* (Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга доир йўриқномалар) асосий тамойилларидан бири — бу профилактика чораларининг тизимлилиги ва идоралар ўртасидаги мувофиқлаштирувнинг мавжудлигидир. Халқаро амалиётда *“далилларга асосланган сиёсат”* (evidence-based policy) талаби мавжуд бўлиб, унга кўра ҳар қандай профилактик қарор аниқ ва яхлит маълумотларга таяниши шарт. Бироқ, миллий амалиётда ваколатли органларнинг (ИИБ, Ёшлар агентлиги, мактаб) маълумотлар базалари тарқоқлигича қолмоқда, бу эса Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро мажбуриятларни тўлиқ имплементация қилишга тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан, халқаро стандартларга мувофиқ ахборот алмашинувининг замонавий механизмларини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”**ги Қонуни **9-моддасини 16-хатбошини қўйидаги мазмундаги янги қисм билан тўлдириш таклиф этилади:**

“Профилактика субъектлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида халқаро стандартларга мос келувчи идоралараро ягона электрон ҳамкорлик тизимидан фойдаланадилар ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилган ҳолда, хавф гуруҳидаги шахслар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида ўзаро алмашинувини таъминлайдилар.”

Ушбу таклифнинг қонунчиликка киритилиши қуйидаги илмий ва амалий бўшлиқларни тўлдиреди:

1. *“Риёд йўриқномалари”нинг имплементация қилинишини таъминлайди:* БМТ тавсияларида таъкидланганидек, жиноятчиликнинг олдини олиш фақат жазоловчи органнинг иши эмас, балки *коллектив масъулиятдир*. Ягона электрон тизимнинг яратилиши — турли институтларнинг тарқоқ ҳаракатларини халқаро талаб даражасидаги ягона профилактик механизмга айлантиради.

2. *Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда “pro-active” (олдиндан ҳаракат қилиш) ёндашувни шакллантиради:* Ривожланган давлатлар тажрибасида (масалан, Буюк Британиянинг *Youth Offending Teams* модели) маълумотларнинг тезкор алмашинуви боланинг такрорий жиноят содир этишининг олдини олиш гарови ҳисобланади. Янги норма кечикиб реакция қилиш амалиётидан воз кечиб, муаммони эрта босқичда аниқлаш имконини беради.

3. *Статистик шаффофлик ва халқаро рейтингларга ижобий таъсир:* Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқ тартибот индексларидаги ўрнини яхшилаш учун жиноятчилик статистикаси ва профилактик ҳисобга олиш тизими шаффоф бўлиши керак.

Ягона рақамлашган база — хавф гуруҳидаги ёшлар билан ишлаш ҳолатини халқаро экспертлар ва мониторинг гуруҳлари учун тушунарли ва баҳолаш мумкин бўлган даражага олиб чиқади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини самарали ташкил этиш учун қонунчиликни концептуал, институционал ва процессуал жиҳатдан ислоҳ қилиш зарурати мавжуд. Амалдаги ҳуқуқий базанинг таҳлили профилактика субъектлари ўртасидаги ҳамкорликнинг тарқоқлиги, рақамли макондаги ҳуқуқий кафолатларнинг етишмаслиги ҳамда жазолаш амалиётида репрессив усулларнинг устунлигини кўрсатмоқда. Шу муносабат билан, миллий қонунчиликка қуйидаги комплекс ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади:

Биринчидан, профилактиканинг тушунчавий аппаратини аниқлаштириш ва унинг манзиллилигини таъминлаш мақсадида, *“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига “ёшлар ўртасидаги эрта профилактика”* тушунчасини киритиш лозим. Мазкур норма вояга етмаганларнинг ғайриижтимоий хулқ-атвори шаклланишига имкон берувчи омилларни эрта аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Иккинчидан, идораларо ҳамкорликни рақамлаштириш ва тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйиш учун ушбу Қонуннинг **9-моддасига** профилактика субъектларининг “ягона электрон ҳамкорлик тизими”дан фойдаланиш мажбуриятини юклаш мақсадга мувофиқ. Бу ўзгариш маълумотлар тарқоқлигини бартараф этиб, *“Кейс-менежмент”* технологиясини амалиётга жорий этиш учун техник-ҳуқуқий замин яратади.

Учинчидан, профилактика тизимининг рақамли трансформацияси жараёнида ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш долзарб аҳамиятга эга. Сунъий интеллект ва *“Big Data”* технологияларидан фойдаланишда юзага келиши мумкин бўлган стигматизация ва алгоритмик хатоликларнинг олдини олиш мақсадида, *“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунга* янги 20¹-модда — *“Ёшларнинг рақамли муҳитдаги ҳуқуқлари кафолатлари”*ни киритиш таклиф этилади.

Ушбу норма қарор қабул қилишда инсон омили назоратини (Human-in-the-loop) таъминлаш орқали “рақамли ҳуқуқий қалқон” вазифасини ўтайди.

Тўртинчидан, ёшларга нисбатан жиноий ва маъмурий таъқиб сиёсатини гуманизация қилиш ҳамда “*тикланувчи адолат*” тамойилларини жорий этиш талаб этилади. Шу мақсадда:

- *Жиноят-процессуал кодексига янги 586¹-модда* сифатида “*Диверсия*” (*жиноят ишини шартли тугатиш*) институтини киритиш;

- *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 29-моддасига* ёшлар учун маъмурий қамок жазосини қўллашни чеклаб, унинг ўрнига мажбурий психологик реабилитация чораларини 20белгилашни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш зарур.

Ушбу таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда ёшлар жиноятчилиги профилактикасини *жазоловчи моделдан ижтимоий-қўллаб қувватловчи моделга* ўтказишга, рецидив жиноятларни камайтиришга ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий ҳимоясини халқаро стандартлар даражасига кўтаришга хизмат қилади.